

Россия кон мухандиси Тимофей Бурнашев хотираларидан: «Узоқдан Тошкент кўриниши пасткам уй ва биноларни кўмиб ётган улкан богни эслатади. Олатог этакларидаги текисликларда ястаниб ётган шахар кўзни қувонтиради...

Шахардан чиқиш учун олти ёғоч дарвоза қурилган, тунги пайтларда уларни қоравул кўриқлайди. Шахар ичида боглар кўп, уйлар пастак, лойдан қурилган. Хоким ва амалдорларнинг ховли-жойлари мухташамлиги ва безатилиши оддий халқниқидан деярли фарқланмайди, фақат улар ховлисининг ер майдони каттарок. Кўчалар тор ва паст-баланд.

Шахар марказида улкан бозор жойлашган, унда турли товарлар билан савдо қилувчилар учун алоҳида дўкончалар қуриб берилган. Шахар йигирма верст узунликдаги иккита канал орқали Чирчиқ дарёсидан сув ичади. Кейин каналлардан майда ариқлар чиқарилиб, деярли барча ховлига сув қиритилган. Бутун шахар бўйлаб сув қиритилиши хавони тозалаб, одамлар соғлигини яхшилашда фойдаси бўлган.

Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда бутун шахарда ўн мингга яқин ховли бор, эр жинсидаги аҳоли қирқ минг кишига етади.

(«Поездка Пospelова и Бурнашева в Ташкент в 1800 году», Санкт-Петербург, 1851 г. стр. 56)